

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

371 «Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган чигитдан чиқадиган пахта шелухаси ва кунжарасидан уларга тегишли бўлган миқдорни қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1758-1*

(2010 йил 31 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–842-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 17-сон, 130-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 30 декабрдаги «Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган чигитдан чиқадиган пахта шелухаси ва кунжарасидан уларга тегишли бўлган миқдорни қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 236-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1758, 2008 йил 10 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 1-2-сон, 8-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ёғмой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2010 йил 15 октябрь,
170-сон

З. РУЗИЕВ

Келишилган:

Иқтисодиёт вазири

2010 йил 12 октябрь

С. БЕКЕНОВ

*«Ёғ-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси раиси*

2010 йил 12 октябрь

Р. БЎРИЕВ

*«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси*

2010 йил 12 октябрь

Ф. ОМОНОВ

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари*

2010 йил 12 октябрь

Т. БОЗОРОВ